

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**



“ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

РАНГТАСВИР ФАНИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим соҳаси:	150 000	–	Санъат
Таълим йўналиши:	5150800	–	Рангтасвир (дастгоҳли)

Тошкент 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ



“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

Б.Хаджиметов

2018 йил

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

“ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

5150800 – РАНГТАСВИР (ДАСТГОҲЛИ)

РАНГТАСВИР

фанининг

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Тошкент 2018

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 25 август даги 355 -сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Аджиметов Қ.- К.Бехзод номидаги МРДИ, “Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси доценти.


Такризчилар:

Д.А.Назилов - ТАҚИ, профессори, архитектура фанлари доктори, профессор
Абдуллаев С.А. - МРДИ “Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси профессори, академик, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби


Ўқув услубий мажмуа “Дастгоҳли рангтасвир” кафедрасининг 2018 йил 28 август даги 1 -сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Кафедра мудири :  Э.Хаитов

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Тасвирий санъат факультети Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (2018 йил 24 август № 1 -сонли баённома) .

Факултет кенгаши раиси:  А.А.Юсупов

Ўқув-услубий мажмуа Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув услубий Кенгашининг 2018 йил “29” август даги 11 -сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

Ўқув бўлими бошлиғи:  Қ.Қодиров

МРДИ, 2018 йил

М У Н Д А Р И Ж А

№	Бўлимлар	Бет.
1	Ўқув материаллари	5
1.1	Маъруза матнлари	5-37
2	Мустақил таълим машғулоти	38-39
3	Глоссарий	40-45
4	Иловалар	46
4.1	Фан дастури	46-62
4.2	Ишчи фан дастури	63-70
4.3	Тарқатма материаллар	71-73
4.4	Тестлар	74-75
4.5	Баҳолаш мезонлари	76
4.6	Ўқув-услубий мажмуанинг электрон варианты	77

1. Ўқув материаллари.

1.1. Маъруза матнлари

Либоссиз яримқомат таҳлили

1. Мавзу: Қўл, оёқ тасвири (эркак ёки аёл киши, анатомик таҳлили билан. Кекса чайир киши)

Режа

1. Рангтасвир тахсили давомида бажарилиши лозим вазифалар билан таништириш.

2. Композицион жойлаштириш

3. Умумий колоритга буйсундириш

Рангтасвир тахсили давомида бажарилиши лозим вазифалар билан таништириш. Инсоннинг қиёфасига қараб табиий ҳолатида тасвир этиш жараёнида, тасвир воситаларининг барча унсурлари ўзаро мутаносиб бўлишга, яъни композиция, чизматасвир, ранглар товланиши, ҳаракат ва сокинлик, нур ва соя, фазовий ўлчамларнинг нисбатлари тўғри акс этишига эътибор бермоқ лозим бўлади. Ушбу муаммолар ечими воқеий дунёни жонли ҳис этиш, турли инсон шакл шамойили, феъл атвори, рухий ҳолатини ишонарли ифодалаб бериш, тасвир мавзуи ва тимсолнинг асосий моҳият, етакчи жиҳат ва хусусиятларини тўғри белгилаб, ёрқин ифодалай билишга қаратилмоғи лозим. Мавжуд воқеликни бутун ранг-баранглиги ва кўлами билан идрок этиш. Уни бадиий тимсолларда гавдалантириб бера олиш.

Картинада предметнинг маълум ёритилишини бериб, бошидаёқ унинг кўз мослашган қисми ёритилишини аниқлаш ва шунга мувофиқ тўқ ва ёруғ жойларнинг у ёки бу характерини бериш керак.

Соядаги қиёфанинг майинлиги, ёритилган жойлардаги чегара ва деталларнинг тиниқлиги ва ёрқин предметларнинг ёруғлик гардиши

ёритишнинг турли даражаларида предметлар қиёфаларининг характерли хусусиятлари ҳисобланади.¹

Тасвирий иш анъанаси остида нима тушунилади?

Предметдан кўриш таассуроти ва уни тасвирлаш мақсадида картина текислигига бўёқларнинг суртилиши орасида бизнинг онгимизда мураккаб фикрловчи жараён рўй беради. Бу жараён доим муаллифнинг индивидуал хусусиятларига, унинг дунёқарашига, муаллиф предметнинг қандай қирраларида тўхталишига, у ўз асарига қайси фикр ва ҳиссиётларни бағишламоқчилигига боғлиқ ҳолда маълум йўналишга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси муаллиф онги ва уларнинг тасвирига жойланган образларга таъсир кўрсатади. Пировардида ишнинг тасвир характери ва колорит характерини белгиловчи анаъанаси ҳам шундай яратилади.

Образли фикрлаш жараёни ушбу китобда бизнинг ифода тарзимиз предмети ҳисобланамайди, аммо ишда йўналишни аниқлаб олиш учун умумий жиҳатларида у билан танишиб олиш зарур.

Кўринаётган предметнинг рангтасвир ҳолатини бериш рангтасвир техникасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Предмет рангтасвир ҳолатини ҳаққоний бериш учун унинг ёритиш ҳолати ва предмет ҳақидаги ҳамма ёрқин, чуқур ва образли тасаввур зарур. Бусиз профессионал иш яратиш мумкин эмас. Акс ҳолда у юзаки, шунчаки қизиқувчиларга хос характер касб этади.²

Композицион жойлаштириш. Ишнинг дастлабки бошланиши аввало — модел-нусхани танлашдир. Постановка илгарироқ раҳбар билан бирга ўйлаб кўрилади, ундан кейин ўйлаб қўйилган постановка режасига монанд модел танлаб олинади.

Моделнинг юз ва қўлларининг тус ва пластик хусусиятлари постановка характерини белгилаб беради. Моделнинг ўзига хос

¹ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 25p.

² Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 30p.

хусусиятларини тасвирлаш учун постановкани ҳамма воситаларини, жумладан, рангларнинг ўзаро алоқадорлиги, нур соя, оқ ва қора тўқлик ва очлик каби қарама-қарши рангларни ва контрастларни жалб қилиш тақазо этилади.

Постановкада расм олдирувчининг феъл атворини очишга ёрдам берадиган ҳамма деталлар эътиборга олинishi лозим. Кийими, ҳаракат ҳолати, муҳитдаги буюмлар (унинг касбини тавсифлайдиган аломатлар) одам қиёфасини ва характериға мослиги талаб этилади.

Реалистик рангтасивир қўйилмасида тус муносабатларини тўғри топа билиш асосий вазифалардан биридир. Рангтасвирда тус ва ранг муносабатларининг ўзаро бирлиги натурани ҳаққоний ифодалашда муҳум омил бўлиб хизмат қилади. Машғулотнинг асосий мақсади йирик тус муносабатларини тўғри топа билиш (фон ва натуранинг ўзаро боғлиқлигига урғу берган ҳолда) дан иборат. Натураға тўғридан ёруғлик тушгани мақул. Шундай қилинганда қўйилмада ёруғ сояларнинг кескн ҳолати бўлмайди. Фон бошға нисбатан баъзан оч, базан тўқ бўлиши мумкин. бу машғулотнинг асосий методик аҳамияти шундаки, бош ва фондаги йирик тус муносабатларини аниқлашға қаратилган.

Соя томонда шакл аниқлигига еришиш учун ёруғлик қайтарувчи текисликдан фойдаланиш мумкин. Айнан шундай шароитда юзнинг соя қисмида анатомик аниқ чизиқларни кўриш мумкин. бошнинг ҳар бир бўлагини тусда бир биридан фарқини, ёруғ соя характерини ўргана бориши керак. Юз бўлаклари, кўз олмаси, буруннинг олд, ён тоионлари, яноққа ишлов бераётганда катта шаклни ҳисобға олган ҳолда, жуда майдалаштириб юбормасдан ишлаш зарур.

Бош шаклиға ишлов бериш соя қисмидан бошланади. Соя яхлит, катта шаклни ажратиб, тус муносабатида камертон вазифасини ҳам ўтайди. Соядан кейин фон ечими ҳал этилади.

Умумий колоритга буйсундириш. Ёруғлик манбаидаги нкрлар ранги барча буюмлар ва объектлар рангига маълум бир даражада таъсир кучига эга. Бунинг натижаси натурадаги барча рангларнинг таркибий қисмига айланган умумий ранг ҳосил бўлади. Тасвирда ягона умумий рангга бошқа рангларнинг ҳамоханглиги – умумий ёруғлик ва ранг мутанносиблиги – колорит деб аталади. Агар асарда кулранг устунлик қилса, демак барча ранглар мажмуи кулранг колоритга бўйсунди; у совуқ, иссиқ, товланувчан ва бошқа сифатларга бўлиши мумкин.

Рангтасвирда колорит ёки бу рангнинг ёки бир нечта рангларнинг “эстетик” таъсири асосида рассом томонидан яратилмайди. Колорит – бу фақат қўшимча рангларнинг уйғунлиги қонуниятларига жавоб берувчи бўёқлар мутанносиблиги эмас. Асардаги колорит ҳаётийликнинг ҳаққоний акси натижаси бўлиб, тасвирланаётган фазовий муҳитга чамбарчас боғлиқ.

Асарда тасвирланаётган барча нарсалар унинг шарт-шароитлари билан узвий алоқадордир.³

2-Мавзу. Либоссиз ярим қомат олд тарафдан. (Кекса чайир, гризайль услубида ечими)

Режа:

1. Пастановкага мос натура танлаш

2. Фон билан боғланишини таъминлаш

3. Бирламчи ва иккиламчи қисмларга эътибор бериш

Пастановкага мос натура танлаш. Ишнинг дастлабки бошланиши аввало – модел-нусхани танлашдир. Постоновка илгарироқ раҳбар билан бирга ўйлаб қўрилади, ундан кейин ўйлаб қўйилган постановка режасига монанд модел танлаб олинади. Бу вазифага иложи борица танасининг пластик ҳолати гўзал, ўлчамлари пропорциал инсон танланади. Ўқув

³ А.Усмонов “Рангтасвирда ранг ва тус муносабатлари” – 376.

топшириғини асосий талаби пастановка ҳолати ва муҳит мувофиқлигини тўғри топишдан иборат.

Пастановка чуқур, мураккаб макон тузилмаси, гурухли йуналтирилган ёруғнинг модел рангини, шакли, феъл-атвори, маъносини тўлақонли очиб беришга хизмат қилиши лозим. Интерьерда гавдаларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур, негаки пастановка моделдан ўзаро мос бирликдаги ҳаракатларда портрет хусусиятларини очиб бериш вазифасини ўз ичига олади..⁴

Вазифа ўзига хос мураккабликда бўлиб талабани қайсидир маънода ижодкорликка ундаши керак. Талабани ижодий процессга йўналтириш борасида, ушбу пастановкада, пластик (мураккаб) вазифалар етакчи рольни ўйнайди. Зеро тасвирий санъатни ўзаги – жони ва қони бу пластика.

Яланғоч танани тасвирлашда рангалар мажмуидан фойдланиш усуллариини ўрганиш. Ранглавҳа асосий ранг ва тус муносабатларини, шакл куринишидаги яхлитликни ифодалаш қиёфа. Яланғоч танани умулаштириб соя-ёруғлиги аниқланиб акс этирилиши.

Фон билан боғланишини таъминлаш. Бу машқнинг асосий мақсади йирик тус муносабатларини тўғри топа билиш (фон ва натуранинг ўзаро боғлиқлигига урғу берган ҳолда)дан иборат.

Машқнинг бажариш учун натурага тўғридан ёруғлик тушгани маъқул. Шундай қилганда қўйилмада ёруғ сояларнинг кескин ҳолати бўлмайди. Фон бошга нисбатан баъзан оч, баъзан тўқ бўлиши мумкин.

Бу машғулотнинг асосий методик аҳамияти шундаки, бош ва фондаги йирик тус муносабатларини аниқлашга қаратилган.

Одатда талабалар фонни алоҳида ёзишади, бунинг натижасида ишни тус жиҳатдан қаралганда тасвирга яхлитликка эришиб бўлмайди. Натурани кўр-кўрона кўчириш ишни мувафаққиятсизликка олиб келади. Шунинг

⁴ Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171p

учун тасвирлашда тўғри йўлни танлаш, методик кетма-кетликда ишни давом эттириш муҳимдир.

Бу каби машғулотлар тасвирий санъат сир асрорларини пухта ўрганишда муҳим ва зарур босқичдир. Маълумки, портрет устида иш олиб бораётган мутахассис рассом дастлаб моделнинг силуэтини фонга нисбатан топиб, сўнгра майда деталларга ишлов беради ҳамда рефлекс, ярим соя, сояларни кўрсатади. Шунинг учун тасвирлашда йирик тус муносабатларини кўриш ва тўғри ифодалаш ҳамда майда деталга ўтиш керак.

Бирламчи ва иккиламчи кисмларга эътибор бериш. Табиий равишда бирор бир буюм ёки табиат ходисаси ҳақида аниқ ва ҳаққоний тасаввур бериш учун уни бошқалардан ажратув турадиган ўзига хос сифатларини, типик хусусиятларини тасвирлашнинг ўзи кифоя. Тасвирда уларнинг мустаснолиги бу жисмни таниб олишга қаршилик кўрсатади. Иккинчи даражага эга бўлган жисмдаги бошқа хусусиятларнинг асарда ифодаланмаслиги эса тасвир сифатини камайтирмайди ва ҳис этиш омилларига таъсир кўрсатмайди. Шу билан бирга иккинчи даражали сифатларнинг асосий сифатларга бўйсунishi, ўзига хос типик хусусиятларни алоҳида очиб бериш тасвир ҳаққонийлигини оширади ва томошабинга асарни қабул қилишида енгиллик яратади.

Шунинг учун ҳам натурани чизиш жараёнида жисмда кўринаётган барча хусусиятларни қоғозга кўчиришга интилиш зарур эмас. Жисмнинг қайси сифатлари ва ёруғликнинг қандай хусусиятлари ҳис этиш учун аҳамиятли ҳамда қандай хусусиятларни ифодаламаслик ҳаққоний тасвирга зарар етказмаслигини рассом тўғри тушунишга ўрганиш лозим. Жисм шакли ва ёруғлигидаги энг муҳим белгиларни рассом тўлиқ акс эттириши, нисбатан кам аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни эса енгил белгилар билан ифолаши керак. Шу сабабли рангтасвирда барча деталларни қамраб олишга интилиш ножоиздир. Рассомнинг ижодий иқтидори ҳам энг

асосий, ўзига хос хусусиятни тўғри белгилай олиш қобилиятига асосланади.

Ҳар доим сиз портрет учун манера қидиришиз керак. Портретни ўрганишга шахсни юз кўринишини ифодалашга ёрдам беради. Инсоннинг ҳар қандай ҳаракатида юз белгилари ўзгаради.

Портретнинг фазилатлари. – шунингдек портретнинг, бошқа гўзал фазилатлари ҳам, бор. Бу албатта ранг ўрганиш ва тон кўриш фазилатларидир.

Портрет орқали ҳам катта композитсия яратса бўлади. Агар эътибор берган бўлсангиз машҳур *Whistlernind* “Онам поертрети”деган санъат асарида буни яққол кўришингиз мумкин. Бундан яхшисини сизга мисол қилолмайман . Бу дунёдаги машҳур асарлардан бири. *Whistlernind* “Онам портрети” асарига яхшилаб қарасангиз аёлнинг юзудаги ҳактерни кўрасиз. Бир кўришда картина оддий ва жозибали лекин рангларнинг тиниқлигини ҳамда қора оқ тонларини, массани ҳамда пропортсияни яққол кўришингиз мумкин. Нафақат портрет характери балким аниқлик билан чизилга чизма тасвирни ҳам кўрасиз.⁵

3-Мавзу. Либоссиз ярим қомат орт тарафдан. (Кекса чайир, гризайль услубида ечими)

Режа:

- 1. Қомат тасвири.**
- 2. Нур ва сояни аниқлаш**
- 3. Умумий ранг ечимига эътибор бериш**

Қомат тасвири. Композиция тузилишида фас (олдидан) кўриниши ёки ён томондан кўринишига қараб қоғоз юзаси марказига, ёки марказдан четроқда жойлаштириш мумкин.

⁵ Daniel Burleigh Parkhers- The Painter In Oil/ 119b

Ҳомаки тасвирда топилган композицияси варианти асосий қоғозга кўчирилади ва бошқа ўзгартирилмайди, фақат шакл нисбатларини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Композиция жойлашуви қоғоз текислигида ортиқча катталашган ёки кичиклаштирилган ҳолатда бўлмаслиги керак. Чунки қиёфанинг ўқилиши ва образига путур етказилади.

Навбатдаги вазифа – ўқ чизиғини аниқлаш бўлиб, бунда елка суяклари орасидаги нуқтадан тос суяги орқали тизза чиғонағи юқори қисмидан тўғри чизиқ чизиб ҳосил қилинади. Бундай аниқланган ўқ чизиғи қиёфанинг тик ҳолатидан унинг ағдарилиб кетмаслигини, оғирликни тўғри тақсимлаш каби жиҳатларини таъминлайди.

Қиёфани олди томондан, фасдан чизилаётган бўлса, ўқ чизиғини аниқлаш осон. Агар тўртдан уч қисми ёки профил кўринишда бўлса бирмунча қийин туғдиради. Чунки қиёфада перспектива ва шакллар ўзгариши ҳосил бўлади.

Чизматасвирда қиёфа қизиқарли ва жозибали бўлиши учун горизонт чизиғи қиёфанинг пастроғидан ўтган ҳолатида ҳосил бўлади. антик ҳайкаллар маҳобатлилик характерга эга. Шунинг учун ҳам қиёфага пастроқдан қарашда унинг характерли томони янада очилади.

Дастур бўйича бажара бориб талаба портрет билан рўбару келиши биринчи марта эмас. Аслига ўхшаш бўлиши лозимлиги, уни тўғри талқин этиш кераклиги топшириқнинг алоҳида аҳамиятини белгилайди. Бу топшириқда гипсли бош ва бош суяги, бошнеинг турли табиий ҳолатлари, қўллар тасвирларидан аввал бажарилган машқлар яхлит бир кўринишга келтирилади. Агар аввалги топшириқларни бажариш асосида талаба қўллар билан портрет ишлашга етарли тайёрланган бўлса, у портретни ўхшатибгина қолмасдан, портретда тасвирланаётган шахснинг рухий хусусиятини ҳам бериши лозим.

Имкони борича натурачилардан иборат портрет учун шахсий хусусиятлари билан ёрқин ажралиб турадигани танланади. У ёки бу мутахассисликка мос келувчи ҳолат андозаси яратилади. Бунинг учун пастановкада турли тасвир ашёлари ва қуролларидан фойдаланилади.

Портретда юзни бироз баланроқдан ёритган маъқул, шунда бутун чекинаётган юзалар (планлар) яхши тасвирга тушади. Натура ортидаги маконнинг чуқурлиги жиҳатидан чегаралаб андозага яқинлаштириш мумкин. Портрет топшириқлари йилнинг ёруғ фаслларига тўғри келса уларни кундузги табиий ёруғда бажариш мумкин, аммо ўта ёйилиб кетган ёруғликдан сақланган маъқул.

Нур ва сояни аниқлаш. Соя томонда шакл аниқлигига эришиш учун ёруғлик қайтарувчи текисликдан фойдаланиш мумкин. Айнан шундай шароитда юзнинг соя қисмида анатомик аниқ чизиқларни кўриш мумкин. Бошнинг ҳар бир бўлагини тусда бир биридан фарқини, ёруғ соя ҳарактерини ўргана бориши керак. Юз бўлаклари, кўз олмаси, буруннинг олд, ён томонлари, яноққа ишлов бераётганда катта шаклни ҳисобга олган ҳолда, жуда майдалаштириб юбормасдан ишлаш зарур.

Бош шаклига ишлов бериш соя қисмидан бошланади. Соя яхлит, катта шаклни ажратиб, тус муносабатида камертон вазифасини ҳам ўтайди.

Буюмларни тасвирлашда ёруғ соялар катта аҳамиятга эга. Натурага ёруғлик қанчалик тик тушса уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча, четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик урилиб (синиб) бир буюмдан иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу тасвирланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади.

Ёруғлик деб — предмет юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёриткичларнинг буюм юзасида ташкил этган нурга айтилади.

Ёруғ-сояни тўғри бериш- рангтасвирнинг муҳим шарт. Ёруғ-соя материал ҳажмини, фактурасини, предмет ва уни ўраб турган муҳитнинг колоритини ифодалайди.

Ёруғ-сояни тасвирлашнинг кетма-кетлиги оқ қоғоз ва ёритилиб кўринадиган ва ўз рангини намоён қиладиган шаффоф бўёқлар билан ишловчи акварель техникасининг хусусиятларини белгилайди. Шу сабабга кўра акварелчига оқ қоғознинг ёрқинлигини пасайтириш керак бўлган жойларда тўқ соялар устида кўпроқ ишлашга, ёруғ, ёритилган жойларда ёрқин нурларни озгина ишлаб, ёруғ-соялар устида камроқ ишлашга тўғри келади.

Қопловчи бўёқлар техникасида, масалан гуашлар, асос ранги муҳим аҳамиятга эга бўлмаганда, ёритилган жойлар устида кўпроқ, тўқ жойларда камроқ ишлаш керак бўлади. Қопловчи бўёқларни нурларга кўпроқ, сояларга камроқ берилади.⁶

Нур ва ярим соя биргаликда предметнинг умумий ёруғ қисмларини ёки ёруғлик зонасини ташкил қилади. Хусусий соялар, тушувчи соялар ва рефлекслар предметнинг соя қисмини ёки соя зонасини ташкил қилади. Ёруғлик зонасининг ҳар қандай нуктаси соя зонасининг ҳар қандай нуктасидан ёруғроқ бўлиши керак.

Ёруғ-соя фазалари тасвирланаётган предмет иккита ёруғлик манбаи билан ёритилганда оддий ёритиш шароитларида яхши сезиларли: предметнинг ёритилган қисмига тўғри нурларни туширувчи битта катта ва предметнинг соя қисмига акс этувчи нурларни туширувчи ҳамда рефлекслар ҳосил қилувчи бошқа, кичик ёруғлик манбаи.

Бундай ёритиш кўпинча ўқув рассомчилиги учун ёруғлик манбаларини минимум даражага тушириш мақсадида, ёруғлик вазиятини соддалаштириш ва чизаётганлар эътиборини шаклнинг ўзини, унинг

⁶ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 50p.

тузилишини, ҳаракати ва нисбатларини ўрганишга қаратиш мақсадида ўрнатилади.

Фақат унутмаслик керакки, предметнинг ёруғ-соя фазалари, уларнинг чегаралари ва тарқалиши берилган ёруғлик муҳитининг ёритилиш шароити ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Соя бўлган жой ёруғ бўлиб қолиши мумкин; ёруғ бўлган жой соя бўлиб қолиши мумкин. Ёруғ-соянинг ҳар бир фазаси ўзига қарама-қарши, атроф муҳитдаги ёритилган предмет, кейин сояда бўлиб қолиши мумкинлиги каби ўзгариши мумкин.⁷

Умумий ранг ечимига эътибор бериш. Рангли тасвирни саводли ифода этиш учун натурани қўйилмада нафақат тусли, балки буюмларнинг рангли фарқларини кузатиш вақтида қандай қабул қилинса, тасвирлаш жараёнида ҳам шунга эришиш лозим.

Рангли муносабатларнинг ҳолати буюмлар билан атроф-муҳитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади.

Иш жараёнида шуни доимо ёдда тутиш кераки, ҳар бир ранг ёруғликда, сояда, ярим сояда фақат ўзи эмас, балки бошқа рангларга боғлиқлиги билан муҳимдир. Муҳими, унинг умумий ранглар қаторида иштирок этиб, бошқалардан ажралиб туришдир. Рассомни фақат ранглар фарқи ва муносабатлар қизиқтириши зарур. Шунинг учун рангтасвир жараёни – бу натурали қўйилмадаги буюмларнинг доимий солиштирув, таққослаш, яъни муносабатлар билан ишлаш жараёни ҳисобланади.

Ранглар муносабати усулидаги рангтасвир тжараёнини муסיқа охангларига қиёслаш мумкин, яъни алоҳида товушлар ўз ўзидан ҳеч нарсани акс эттирмайди, аммо бошқа оханглар билан мужассамлашганда зарур таассуротни беради. Товушларнинг бир-бирига боғлиқлиги бузилса,

⁷ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 13p.

оханг мавжудлиги йўқолади. Худди шу ҳолатни рангтасвирда ҳам таққослаш мумкин. Тусли ва рангли муносабатларни кучли ёки кучсиз ёруғлик ва тўйинган ранглар йиғиндисидида қуриш мумкин, лекин шу билан бирга жисмларни туси ва ранг кучининг натурадан образли кўринишда мос равишда бир бирига боғлиқлигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Мойбўёқ орқали оқ қоғоз билан акс эттирилган ёруғлик, мойли рангтасвир бўёғи орқали- холст ёки досканинг ёруғ ғрунтидан, шунингдек оқлайдиган хомаки бўёқ қатлаמידан акс этган ёруғлик кўринади. Рангтасвир техникаси тарихидан маълумки, рангтасвир усталари кўп ҳолларда ўз картиналари учун ёруғ асос танлаганлар. Улар олтинда, эмалда, фил суягидан ишланган пластинкаларда ва ёруғликни яхши ўтказадиган бошқа материалларда ишлаганлар. Қадимги рус усталари рангтасвир доимо “нокечки ёруғликда” кўриниши керак деб айтганлар. Рассом Рубенсинг холстларда ва доскаларда ишланган, ёнма-ён осилган картиналарини таққослаганда шуни сезиш мумкинки, доскада ишланганлари холстдагилардан ёрқинроқ. Мойли рангтасвирда ўз афзалликларига эга холстнинг донатор фактураси ёруғликни қайтаришнинг кам имкониятига эга. Доска левкасига суртилган бўёвчи қатлам сезиларли ёрқин бўлиб кўринади. Бўёқлар суртиладиган конструктив асосга қўйиладиган асосий рангтасвир-техник талаб деярли доим унинг ёруғликни қайтариш имконияти, бўёқларни ёритиш ва уларнинг ёрқинлигини кучайтиришдир.

Тўқ асосга қўйилган бўёқлар ёритмайди ва хиралашади. Мойли лессировка бўёқлари қора фонда зўрға сезилади ва ўзининг оддий ранг қуюқлигини йўқотади. Фақат катта сиртки акс тасвирга эга бўёқлар ўз кучини сақлайди, яъни оч рангли, ношаффоф бўёқлар. Айниқса қора фондаги олтин ва эмаль яхши сезиларли. Қора лак устида ишловчи палех усталарининг рангтасвири хиралашган шаффоф бўёқлар ва тушаётган ёруғликни ёрқин акс эттирувчи олтиннинг юпқа қатламига эга қалин

бўёқларнинг ёрқин нурларига эга чуқур қора фон бирлашувида қурилади. Улар қора фон билан бир қаторда ўз композицияларига, айниқса композицияларнинг марказий жойларида оч рангдаги тайёрлов қатламига эга текисликларни киритадилар. Қора лак ва оқ левкаснинг контраст бирикувлари рангтасвир техникаси учун анчагина кенг имкониятлар беради.

Бўёвчи моддалар турли шаффофликка эга. Бирлари яхши ёритилади ва текис шаффоф қатлам билан суртилади, бошқалари, хатто юпқа суртилганда ҳам бўёвчи модда зарраларининг сезиларли фактурасига эга кам шаффоф қатлам ҳосил қилади. Бўёвчи модданинг нисбий шаффофлиги ва юпқалиги жиҳатидан бўёқлар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга қопровчи ёки корпусли- бўрттириб берилган деб номланувчи кам шаффоф бўёқлар киради, иккинчи гуруҳга- яхши ёритувчи, лессировкаловчи бўёқлар киради. Бўрттириб берилган бўёқлар ёруғликни кўпроқ акс эттиради, остига суртилган бўёқни яхши ёпади ва донали фактурага эга бўлади. Бўрттириб берилган бўёқларга белила, охра, турли сортларлаги крон, яшил хромлар, яшил кобальт, мовий кобальт, ультрамарин киради; қизил бўёқлардан- кўрғошинли сурик, кўрғошинли тўқ сариқ ва бошқалар. Лессировкаловчи бўёқлар бўёвчи қатламнинг катта чуқурлигига тўғри ва тескари йўналишларда ёруғликни яхши ўтказади, юпқа фактурага эга ва шуълада ёрқин, тўйинган рангларни беради. Унинг остидаги бўёқлар яхши кўринади. Лессировкаловчи бўёқларга сариқ лак, гуммигут, зумрадсимон яшил, лазурь, краплак ва бошқалар киради.

Корпусли-бўрттириб берилган бўёқлар ёруғликни кучли акс эттириш ва бўёвчи қатламнинг текис фактурасини яратиш қобилияти сабабли –мойбўёқ рангтасвирида донатор фактурани, мойбўёқ рангтасвирида пасто юпқа қатлами фактурасини яратади- предмет фактура

характери кўпроқ сезилган жойларда ёритилган жойлар, нурлар рельефли туртиб чиққан деталларни тасвирлаш учун қўлланилади.⁸

4-Мавзу. Портрет қўллари билан. (Кекса чайир киши, контраст фонда)

Режа:

- 1. Композицион жойлаштириш.**
- 2. Биринчи ва иккинчи қисмларга эътибор**
- 3. Умумлаштириш ва тугатиш**

Композицион жойлаштириш. Талабалар постановкани турли нуқталардан кузатадилар. Иш бошлашдан олдин бир қатор қораламалар бажаришади. Шудан сўнг ўзларига ёққан, нуқтани танлаб вазифани бажаришга киришадилар. Шошмасдан енгил чизиқлар билан натурани матога ўқитувчи таъкидлаган қонун – қоидага амал қилиб чизишни бошлашадилар. Натурани матонинг ўрта қисмига жойлаштириб, интерьер билан узвий боғлаш вазифаси туради. Қоматнинг боши, оёқлари планшетга қай тарзда жойлашиши, интерьер элементларини енгил чизиқлар билан кўзда чамалаб белгилаб чиқилади. Қоматни қуришда ўқ чизиқ ўтказилади. Натурани планшетга жойлаштирганда тепа қисмида пасткисидан кўпроқ бўшлиқ қолдирилади. Икки ён томонлар дан эса деярли бирхил оралиқлар бўлади. Уни қуришда бошқисмининг юқори нуқтасидан оёқ учига тўғри чизиқ тортилиб ундан тос суягига чизиқ давом этади. Елкалар йўналиши, тирсак ва қўллар ҳолати, икки тиззанинг бир – бирига муносабати вазу зайлда нуқталар белгиланиб, чизиқлар тортилади.

Постановка композицияни ўзига хос томони хусусида аниқ, собит тушинча берилади. Композиция мукамаллиги бўлажак суратни пластик яхлитлигини ташкил этади. Ҳар бир вазифани ўзгача композиция ечими бўлгани каби ушбу вазифани мақсади хусусида сўзлаб, сўнг амалий ишга

⁸ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-37 p/

қўл урилади (эскиз). Композиция эскизини дастлаб, турли форматлардан келиб чиқиб, қоғозда қалам билан ижро этилади. Пухта топилган композиция эскизини асос қилиб олиб, ушбу форматдан келиб чиқиб ромка ва мато тайёрланади. Композиция ечимида талаба танлаган текисликда буюм ва жусса орасида уйғунлик бўлмоғи лозим, зеро уйғунлик бўлмаса бўлажак ўқув рангтасвири хом кўринишга эга бўлади.

Биринчи ва иккинчи қисмларга эътибор. Ранг муносабатларининг ҳолати буюмлар билан атроф-мухитнинг бир-бирига боғликлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маъромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади. Ранглар хис қилишга кўра иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Иссиқ рангларга оловни, қуёшни эслатувчи ранглар: қизил, сарик, жигарранг ва улардан ҳосил бўлган бошқа ранглар киради. Совуқ рангларга қорни, музни эслатувчи ранглар: кўк, яшил, оқ ва улардан ҳосил бўлган ранглар киради. Совуқ рангларга қараганда кишида совуқ ҳисси уғонади. Иссиқ рангларга қараганда эса иссиқликни ҳисси уйғонади. Булардан ташқари иссиқ ранглар яқинлаштириб кўрсатиш хусусиятига эга. Бунга яна ишонач ҳосил қилиш учун психологик тажриба ўтказиш мумкин. Иккита бир хил рангдаги доира олиб, брини совуқ ранглардан ҳаво рангга, иккинчисини иссиқ ранглардан қизил рангга бўйямиз, уларни ёнма-ён қўйиб, синчиклаб назар солсак, қизил рангга бўйялган доира яқинроқ турганга ўхшаб, ҳаворангга бўйялган ранг узоқроқ турганга ўхшайди.

Ранг контрасти деб икки ёнма-ён турган рангларни бир-бирига таъсирига айтилади. ранг контрасти ахроматик ва хроматик контрастларга бўлинади.

Бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши ён томонга егилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигига, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар

белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурадан синчиклаб кузатганимизда биринси ва орқа пландагиларни чизиқлар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамыз.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталашади. Бош пастга егилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз. Бошни чизиқли қуришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

Умумлаштириш ва тугатиш. Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майда деталларнинг бир бутунликка бўйсундиришдир. Бу ишда асосий бўлақларнинг тус ечимига эътибор бериш керак. Агар ола була чипорлик яхлитликка ҳалақт берса уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлик кўринишга ҳалақт бераётган ҳар бир бўлақни ўз жойига қўйиш керак. Агар шундай қилмасак, қўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тартади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлик кўришни ўрганган бўлса, тасвирни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуетига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвирда жуда нозик тус фақини сақлаб қолиш керак. Силуетнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чизиқ орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Қўйилмада нимани бўрттириб (чизиб) нимани фонга яқин тусда бирлаштириб юборилишини ҳал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига эга бўлиш мумкин. Нихоят, портрети ишланаётган одамнинг ички психологиясини очишга ҳам уриниб қўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий характерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.

Портрер ёзиш жараёни бу жараёнда сиз ҳар хил эффект ҳамда лисировкалар ёрдамидан фойдаланишингиз мумкин. Бунда ҳам ўзизга керакли жараёндан фойдаланинг ҳамма жараёнлардан эмас.

Масалан Дюрер ўз автопортретларидан ўзидан фойдаланиб ўзи ўрганган.

Қаламтасвир ва рангтасвир сиз буни ҳаммасини ўргана олмайсиз лекин ўзизга етарлича ўрганишга ҳаракат қилинг.⁹

Либоссиз одам қоматининг анатомик таҳлили

5-Мавзу. Портрет қўллари билан (Чайир аёл киши. Кекса чайир киши, ёруғ фонда)

Режа

- 1. Пропорцияни тўғри топиш.**
- 2. Қўл ва оёқ тасвири.**
- 3. Ранг муносабатлари, иссик ва совук ранглар.**

Пропорцияни тўғри топиш. Рангтасвир ишлаш жараёнида талаба диққати нисбат (пропорциялар)га, композиция ва характерга қаратилади. Талаба натурани ҳар хил бурилиши ҳолатида кузатишни, бош текисликларини муҳитдаги ҳолатини, қисмларини ўзаро боғлиқлигини, уйғунлигини, тана мускулларини нур-соя ва тус қисмларини пластик ечимини, умумий ҳолатга бўйсундиришни билиши керак.

Ундан кейин қоматнинг ҳамма текислиги (бош, торс, қўл, оёқ) ва перспектив қисқаришларни аниқлаб, диққат билан калла дўнглиги, қўл қисмлари, торснинг олд ва ён текислиги, оёқ суяклари ва текисликларини аниқланиб жойлаштирилади.

⁹ Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-120 p/

Буларни натурадан синчиклаб кузатганимизда биринчи ва орқа пландагиларни чизиклар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; калла, бўйин, елка, торснинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамиз.

Натурадан ишлаш жараёни алоҳида босқичлардан иборат:

1-босқичда бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши, ён томонга эгилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштирилади. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари, жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг растигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалар, кулоқ чуқурчалари ва бошқалари кўрсатилади.

Ишнинг 2-босқичида бошнинг чизикли қуришдан кейин шаклларга тус берилади. Тус беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса биров хирароқ кўринишда бўлади.

Суратни мато юзасида бошлаб тугаллашгача жисм ёки қомат тус устидаги ишлар давом этар экан. Уни фақат шаклни аниқлаб тузиб олиш учун зарур бўлган даражадагина олиб борилади.¹⁰

Қўл ва оёқ тасвири. Тасвирий санъатда инсон қоматини ва бошни хусусан ўрганиш билан бир қаторда, қўл ва оёқ панжалари тасвирини ўрганиш ҳам назарда тутилади.

Қўл ва оёқ панжалари мураккаб шаклдан иборат, уларнинг маълум маънода ички суяк ва мускуллар қурилмасини билмай туриб, ташқи кўринишини, шаклини тушуниб бўлмайди. Шунинг учун натурани жонли оёқлардан турли ҳолатда чизиш билан бирга, қўл ва оёқ панжалари суякларидан, шунингдек уларнинг мускул қопламларидан ҳомаки чизмалар бажарилади.

¹⁰Kevin D. Macpherson “landscape painting Inside & Out” ND1342.M33 2006;

Аммо бу қисмларнинг яхши тасвирини бериш етарли эмас, уларнинг алоҳида хусусиятлари, бетакрор мутаносиблиги, ёш, касб ва бошқа бир қатор сабаблар ўз изини қолдирган шаклларни ифодалаш зарур.

Қўл панжалари фақат ҳар хил вазиятда ҳомаки ишланган.

Оёқ панжалари ва уларнинг мушаклари ўзининг умумий гуруҳида қўл панжаларини эслатади, шунинг учун уларни ўрганиш методикаси бир хил. Бу ерда ҳам унинг анатомик қурилмасини ўрганиш натурадан ишлаш билан мустаҳкамланиши зарур. Натурадан чизиш эса анатомиядан олинган амалий билимлар билан мустаҳкамланади. Қўл ва оёқ панжаларининг бир-бирига ўхшашлиги сабабли уларни бир постановкада бериш мумкин.

Ранг муносабатлари, иссиқ ва совук ранглар. Ранг муносабатларининг ҳолати буюмлар билан атроф-муҳитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маъромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади. Ранглар хис қилишга кўра иссиқ ва совук рангларга бўлинади. Иссиқ рангларга оловни, қуёшни эслатувчи ранглар: қизил, сарик, жигарранг ва улардан ҳосил бўлган бошқа ранглар киради. Совук рангларга қорни, музни эслатувчи ранглар: кўк, яшил, оқ ва улардан ҳосил бўлган ранглар киради. Совук рангларга қараганда кишида совук хисси уғонади. Иссиқ рангларга қараганда эса иссиқликни хисси уйғонади. Булардан ташқари иссиқ ранглар яқинлаштириб кўрсатиш хусусиятига эга. Бунга яна ишонач ҳосил қилиш учун психологик тажриба ўтказиш мумкин. Иккита бир хил рангдаги доира олиб, брини совук ранглардан ҳаво рангга, иккинчисини иссиқ ранглардан қизил рангга бўйямиз, уларни ёнма-ён қўйиб, синчиклаб назар солсак, қизил ранга бўйялган доира яқинроқ турганга ўхшаб, ҳаворангга бўйялган ранг узоқроқ турганга ўхшайди.

Ранг контрасти деб икки ёнма-ён турган ранглари бир-бирига таъсирига айтилади. ранг контрасти ахроматик ва хроматик контрастларга бўлинади.

Турли рангдаги предметлар бир хил нурлар туфайли ўз туси бўйича бир-бирига ўхшайди. Тасвирда умумий ёритиш ёритилган жойларнинг бир рангли туси билан берилади. Картинада бир рангдаги нурлар ёритиш муштараклигининг характерли жиҳати ҳисобланади. Нурларнинг бир хил ранги турли рангдаги предметлар тасвирини битта умумий колоритга бирлаштиради.

Аммо асосий манбанинг ёруғлигидан ташқари кўринишнинг рангли қиёфаси учун тўғри тушувчи ва акс этувчи ёруғликнинг иккинчи даражали манбалар ёруғлиги муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу манбалар атроф муҳитга боғлиқ бўлган маҳаллий ёритилишни белгилаб беради. Атрофдаги турли рангдаги предметлардан қайтувчи ёруғлик қаралаётган предметнинг соя ва ярим сояларига турли хилдаги ёруғлик ва тус беради. Мовий осмон, масалан, соя жойларга мовий тус беради; яшил ўт яшил рефлекслар беради; кум тўқ сариқ рефлекслар беради. Акс этувчи ёруғлик таъсири остида бир рангдаги предмет иккинчи даражали ёруғлик манбаларининг таъсири сезиларли бўлган соя жойларда кўпроқ ҳис қилинувчи туснинг рангли хилма-хиллигига эга бўлади. Тасвирда маҳаллий ёритиш соя ва рефлексларнинг турли хилдаги туси билан берилади. Шундай қилиб колоритнинг тўғри берилиши учун аввало энг йирик манбадан тўғри тушаётган ёруғликка; кейин акс этувчи ёруғликнинг тасвирланаётган предметни ўраб турган муҳитига, тўғри ва акс этувчи ёруғликнинг устунлигига аҳамиятни қаратиш керак; шу тарзда ёруғлик вазиятини белгилаш, яъни тасвирланаётган предмет тўғри тушаётган, тарқалаётган ва акс этувчи ёруғликнинг қандай кесишувчи оқимларидалигини ёрқин тасаввур қилиш керак. Ёруғлик ҳолатининг энг муҳим ва характерли қирраларини ажратиш, берилган ёруғлик учун кам

аҳамиятли ва тасодифий ҳолатларни четга суриш, кейин эса картинадаги ёруғлик ва колоритни онгли равишда ва дадиллик билан акс эттиришга киришиш керак.

Шуни эсда тутиш керакки, ҳамма кўринаётган, ҳамма тасвирланаётган нарсалар ҳар томонлама ёритиш олади ва акс этаётган ёруғликни тарқатади, ҳамма атрофдаги нарсалар гўё ёруғлик таратади ва ҳар томонлама ёритиш оқимида бўлади.

Атрофдаги ҳамма нарса хусусий ва акс этувчи ёруғлик манбаларининг муҳитини ташкил қилади. Кўриниб турган борлиқ – нур таратиб турган жисмлар дунёсидир.¹¹

6-Мавзу. Либоссиз қомат (Контрапост ҳолатида.

Кекса чайир эркак киши)

Режа

1. Одам қоматини конструктив қурилмаси.

2. Қомат тасвири

Одам қоматини конструктив қурилмаси. Бир неча ўнлаб қораламалар ишланиб, талабалар ўзлари танлаган нуқтадан иш бошлашиб, постановкани чиройли, қонун – қоидалар асосида жойлаштириб, енгил чизиқлар ёрдамида қоматни қуришга киришишади. Қоматни конструкцияга асослани қуришни давом эттиришади. Яъни натуранинг характерли умумий кўринишининг конструкцияси, қоматнинг кўзга кўринмайдиган орқа томонлари билан кўрсатиш вазифаси туради. Гавда қисмларининг схематик кўринишлари булар барчаси қоматни тўғри тасвирлаш асосини ташкил этади..

Италия Уйғониш даврида узоқ сеансли ишланган, аниқ чегараланган рангтасвир ва тез ишланган қоралама тушунчаларини учратамиз. Бу чизма тасвирларнинг ҳар бир тури алоҳида мақсад ва вазифаларга эга. Зеро,

¹¹ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 11-12p.

Жорж Вазари шундай ёзади: “Перо, қалам ёки бошқа ашёларда енгил, тез чизилган, тасвирларни қоралама деб аташ мумкин”. Бундан сўнг биз, қоралама атамасини чизматасвирнинг бирламчи тури, бошланғич босқичи, яъни қомат ҳолатининг жойлашиши асарнинг дастлабки композициясини топиш учун, (бўлғуси асарни) дастлабки кўринишини фарқлашга хизмат қилади деб биламиз. Рассом илҳомидан қисқа вақт мобайнида перо, ёки бошқа чизиш ашёларида бажарилган ва ўз (рассом) фикри, тафаккури тўғрилигини таққослаш, текшириш мақсадида чизилган тақдирда – у қоралама деб аталади”.¹²

Шундай қилиб қораламанинг асосий мақсади: “қоматнинг ҳолати” ва “яхлитлик”(умумлаштириш), ҳақида фикрлаб, предмет характерини, ташқи дунё билан боғлаш вазифасини ўтайди. Кейинги барча юз йилликда ва бизнинг ҳозирги кунгача қоралама “илҳом вақти”да рассомлар томонидан бажарилиб келинади. Улар эмоция, образлар орқали тез чизилган тасвирларда аниқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги асрларда, бадий Академияларда ранг тасвир ва композициядан ажралган ҳолда чизма тасвир дарслари, алоҳида ўрганилган бўлса, уйғониш даври (айниқса эрта уйғониш даври) рассомлари устахоналарида бўлғуси усталар чизма тасвирни, бевосита композиция ишлари билан биргаликда бажарганлар. Шу сабабли, уйғониш даври рассомлари чизматасвирларини тўлиқ тугалланмаган ҳолда учратамиз.

Қомат тасвири. Композиция тузилишида фас (олдидан) кўриниши ёки ён томондан кўринишига қараб қоғоз юзаси марказига, ёки марказдан четроқда жойлаштириш мумкин.

Ҳомаки тасвирда топилган композицияси варианты асосий қоғозга кўчирилади ва бошқа ўзгартирилмайди, фақат шакл нисбатларини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

¹² Варнеке Б.В. Плиний об искусстве. Одесса. 1918. С.51.

Композиция жойлашуви қоғоз текислигида ортиқча катталашган ёки кичиклаштирилган ҳолатда бўлмаслиги керак. Чунки қиёфанинг ўқилиши ва образига путур етказилади.

Навбатдаги вазифа — ўқ чизиғини аниқлаш бўлиб, бунда елка суяклари орасидаги нуқтадан тос суяги орқали тизза чиғонағи юқори қисмидан тўғри чизиқ чизиб ҳосил қилинади. Бундай аниқланган ўқ чизиғи қиёфанинг тик ҳолатидан унинг ағдарилиб кетмаслигини, оғирликни тўғри тақсимлаш каби жиҳатларини таъминлайди.

Қиёфани олди томондан, фасдан чизилаётган бўлса, ўқ чизиғини аниқлаш осон. Агар тўртдан уч қисми ёки профил кўринишда бўлса бирмунча қийин туғдиради. Чунки қиёфада перспектива ва шакллар ўзгариши ҳосил бўлади.

Тасвирда қиёфа қизиқарли ва жозибали бўлиши учун горизонт чизиғи қиёфанинг пастроғидан ўтган ҳолатида ҳосил бўлади. антик ҳайкаллар маҳобатлилик характерга эга. Шунинг учун ҳам қиёфага пастроқдан қарашда унинг характерли томони янада очилади.

Дастур бўйича бажара бориб талаба портрет билан рўбару келиши биринчи марта эмас. Аслига ўхшаш бўлиши лозимлиги, уни тўғри талқин этиш кераклиги топшириқнинг алоҳида аҳамиятини белгилайди. Бу топшириқда гипсли бош ва бош суяги, бошнеинг турли табиий ҳолатлари, қўллар тасвирларидан аввал бажарилган машқлар яхлит бир кўринишга келтирилади. Агар аввалги топшириқларни бажариш асосида талаба қўллар билан портрет ишлашга етарли тайёрланган бўлса, у портретни ўхшатибгина қолмасдан, портретда тасвирланаётган шахснинг руҳий хусусиятини ҳам бериши лозим.

Имкони борича натурачилардан иборат портрет учун шахсий хусусиятлари билан ёрқин ажралиб турадигани танланади. У ёки бу мутахассисликка мос келувчи ҳолат андозаси яратилади. Бунинг учун пастановкада турли тасвир ашёлари ва қуролларидан фойдаланилади.

Портретда юзни бироз баланроқдан ёритган маъқул, шунда бутун чекинаётган юзалар (планлар) яхши тасвирга тушади. Натура ортидаги маконнинг чуқурлиги жиҳатидан чегаралаб андозага яқинлаштириш мумкин. Портрет топшириқлари йилнинг ёруғ фаслларига тўғри келса уларни кундузги табиий ёруғда бажариш мумкин, аммо ўта ёйилиб кетган руғликдан сақланган маъқул.

7-Мавзу. Либоссиз эркак қомати (олд томонидан тасвири, анатомик тахлили билан. Кекса чайир киши)

Режа:

8.1. Композицион жойлаштириш.

8.2. Яланғоч қомат пропорцияси.

8.3. Умумлаштириш.

Композицион жойлаштириш. Талабалар постановкани турли нукталардан кузатадилар. Иш бошлашдан олдин бир қатор қораламалар бажаришади. Шудан сўнг ўзларига ёкқан, нуктани танлаб вазифани бажаришга киришадилар. Шошмасдан енгил чизиклар билан натурани матога ўқитувчи таъкидлаган қонун – қоидага амал қилиб чизишни бошлашадилар. Натурани матонинг ўрта қисмига жойлаштириб, интерьер билан узвий боғлаш вазифаси туради. Қоматнинг боши, оёқлари матога қай тарзда жойлашиши, интерьер элементларини енгил чизиклар билан кўзда чамалаб белгилаб чиқилади. Қоматни куришда ўқ чизик ўтказилади. Натурани планшетга жойлаштирганда тепа қисмида пасткисидан кўпроқ бўшлиқ қолдирилади. Икки ён томонлар дан эса деярли бирхил ораликлар бўлади. Уни куришда бошқисмининг юқори нуктасидан оёқ учига тўғри чизик тортилиб ундан тос суягига чизик давом этади. Елкалар йўналиши, тирсак ва қўллар ҳолати, икки тиззанинг бир – бирига муносабати вашу зайлда нукталар белгиланиб, чизиклар тортилади.

Постановка композицияни ўзига хос томони хусусида аниқ, собит тушинча берилади. Композиция мукамаллиги бўлажак суратни пластик

яхлитлигини ташкил этади. Ҳар бир вазифани ўзгача композиция ечими бўлгани каби ушбу вазифани мақсади хусусида сўзлаб, сўнг амалий ишга қўл урилади (эскиз). Композиция эскизини дастлаб, турли форматлардан келиб чиқиб, қоғозда қалам билан ижро этилади. Пухта топилган композиция эскизини асос қилиб олиб, ушбу форматдан келиб чиқиб ромка ва мато тайёрланади. Композиция ечимида талаба танлаган текисликда буюм ва жусса орасида уйғунлик бўлмоғи лозим, зеро уйғунлик бўлмаса бўлажак ўқув рангтасвири хом кўринишга эга бўлади.

Яланғоч қомат пропорцияси. Жонли инсон қоматни ўрганишни содда ва аниқ ўқув топшириқлар - постановкалардан бошлаш зарур, уларда тананинг қисмлари ва пластикаси аниқ кўриниб туриши талаб этилади. Оддий ҳаракат ҳолатларини ўрганиш учун постановкаларни танани қатъий буриш, кучли ракурсларда қўйиб чизишни машқ қилиш яхши самара беради.

Тасвирни постановканинг юқори ва пастки чегарани белгилаб олгач, ер, пол, таглик кабиларга нисбатан асоснинг горизонти ва юзаси аниқлангандан кейин бошлаш лозим. Агар натурачи бир оёғига таяниб турган бўлса, унда ўқ чизик билан унинг ҳаракат чизиғи хусусиятини аниқлаб олинади. Андоза таяниб турган оёқ ҳолатига нисбатан вертикал тик чизик ўтказилади, тос эгилувчанлиги белгиланади, сўнггра тана, бел, бўйин ва бошнинг умумий эгилувчанлиги аниқланади. Умуртқа суяклари ўртаси чуқурлигидан таянч оёқ товонига қадар вертикал тик чизик ўтказиб тананинг таянч маркази аниқланади.

Тус ёрдамида пластик шаклнинг моддийлиги ва қомат қисмларининг маконий теранлиги ифодаланади ҳамда сояларни дарҳол бериш лозим. Аммо бунда ёруғ-соя тўхтамининг мувофиқлиги, қисмлар ёритилишининг аста кучсизланиши, ёруғликни бўлиб турувчи чизик кабиларни доимо кузатиб бориш зарур.

Шаклнинг ҳажмийлигини очиб беришда фон – муҳитдаги асосий ранг катта аҳамиятга эга, хусусан фоннинг шаклдаги ёритилган ва соялаштирилган қисмлар билан уйғунлашувини кузатиш айниқса муҳимдир. Тасвирда пластик шаклни берувчи иккита ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи восита сифатидаги чизик ва тусни аниқ тушуниб олиш зарур. Ишлаш жараёнида гипс ва анатомик атласлардан олинган чизмаларга, ушбу андоза хислатини ҳисобга олиб, бу скелетни мушаклар билан “кийинтириш” мақсадга мувофиқ бўлади.

Натурани таҳлил қилиш ва аниқ ифодалаш – либоссиз қоматни ўрганишдаги дастлабки постановкаларнинг асосий вазифасидир.

Тасвирда тегишли юзада композиция жиҳатдан яхши жойлаштирилган қоматни кўриш мумкин, ҳаракат тўғри белгиланган, андозанинг мутаносблиги ва шакли аниқ, елка айланаси яхши ишланган.

Умумлаштириш. Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майда деталларнинг бир бутунликка бўйсундиришдир. Бу ишда асосий бўлақларнинг тус ечимига эътибор бериш керак. Агар ола була чипорлик яхлитликка халақт берса уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлик кўринишга халақт бераётган ҳар бир бўлақни ўз жойига қўйиш керак. Агар шундай қилмасак, қўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тортади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлик кўришни ўрганган бўлса, тасвирни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуетига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвирда жуда нозик тус фақини сақлаб қолиш керак. Силуетнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чизик орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Қўйилмада нимани бўрттириб (чизиб) нимани фонга яқин тусда бирлаштириб юборилишини ҳал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига эга бўлиш мумкин. Нихоят, портрети ишланаётган одамнинг ички психологиясини

очишга ҳам уриниб қўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий характерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.

Портрет чизмаси портретни яратиш учун қалам тасвирга алоҳида аҳамият бериш зарур, қалам тасвир портрет яратишнинг фундаменти ҳисобланади. Ўйламангки портретни бошқа нарсалардан кўра тезроқ ва осон тугатасиз. Бошқа чизматасвирлар каби портретнинг характери массасига эътибор беришингиз керак.

Портрети композитсия яратишдан олдин компоновкасини яхшилаб ўйлаб кўринг Сизга керакли бўлган деталларни олиб кераксизларини компоновкада тасвирламанг. Веласкасни кичкина асарларини кўриб ўзиз шунга гумон бўласиз.¹³

8-Мавзу. Либоссиз эркак қомати (орт томонидан тасвири, анатомик тахлили билан. Кекса чайир киши)

Режа:

- 1. Қомат тасвири.**
- 2. Нур ва сояни аниқлаш**
- 3. Умумий ранг ечимига эътибор бериш**

Қомат тасвири. Композиция тузилишида фас (олдидан) кўриниши ёки ён томондан кўринишига қараб қоғоз юзаси марказига, ёки марказдан четроқда жойлаштириш мумкин.

Ҳомаки тасвирда топилган композицияси варианти асосий қоғозга кўчирилади ва бошқа ўзгартирилмайди, фақат шакл нисбатларини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Композиция жойлашуви қоғоз текислигида ортиқча катталашган ёки кичиклаштирилган ҳолатда бўлмаслиги керак. Чунки қиёфанинг ўқилиши ва образига путур етказилади.

¹³ Daniel Burleigh Parkhers- The Painter In Oil/ 120b

Навбатдаги вазифа – ўқ чизиғини аниқлаш бўлиб, бунда елка суяклари орасидаги нуқтадан тос суяги орқали тизза чигонағи юқори қисмидан тўғри чизиқ чизиб ҳосил қилинади. Бундай аниқланган ўқ чизиғи қиёфанинг тик ҳолатидан унинг ағдарилиб кетмаслигини, оғирликни тўғри тақсимлаш каби жиҳатларини таъминлайди.

Қиёфани олди томондан, фасдан чизилаётган бўлса, ўқ чизиғини аниқлаш осон. Агар тўртдан уч қисми ёки профил кўринишда бўлса бирмунча қийин туғдиради. Чунки қиёфада перспектива ва шакллар ўзгариши ҳосил бўлади.

Чизматасвирда қиёфа қизиқарли ва жозибали бўлиши учун горизонт чизиғи қиёфанинг пастроғидан ўтган ҳолатида ҳосил бўлади. антик ҳайкаллар маҳобатлилик характерга эга. Шунинг учун ҳам қиёфага пастроқдан қарашда унинг характерли томони янада очилади.

Дастур бўйича бажара бориб талаба портрет билан рўбару келиши биринчи марта эмас. Аслига ўхшаш бўлиши лозимлиги, уни тўғри талқин этиш кераклиги топшириқнинг алоҳида аҳамиятини белгилайди. Бу топшириқда гипсли бош ва бош суяги, бошнеинг турли табиий ҳолатлари, қўллар тасвирларидан аввал бажарилган машқлар яхлит бир кўринишга келтирилади. Агар аввалги топшириқларни бажариш асосида талаба қўллар билан портрет ишлашга етарли тайёрланган бўлса, у портретни ўхшатибгина қолмасдан, портретда тасвирланаётган шахснинг рухий хусусиятини ҳам бериши лозим.

Имкони борича натурачилардан иборат портрет учун шахсий хусусиятлари билан ёрқин ажралиб турадигани танланади. У ёки бу мутахассисликка мос келувчи ҳолат андозаси яратилади. Бунинг учун пастановкада турли тасвир ашёлари ва қуролларидан фойдаланилади.

Портретда юзни биров баланроқдан ёритган маъқул, шунда бутун чекинаётган юзалар (планлар) яхши тасвирга тушади. Натура ортидаги маконнинг чуқурлиги жиҳатидан чегаралаб андозага яқинлаштириш

мумкин. Портрет топшириқлари йилнинг ёруғ фаслларига тўғри келса уларни кундузги табиий ёруғда бажариш мумкин, аммо ўта ёйилиб кетган ёруғликдан сақланган маъкул.

Нур ва сояни аниқлаш. Соя томонда шакл аниқлигига эришиш учун ёруғлик қайтарувчи текисликдан фойдаланиш мумкин. Айнан шундай шароитда юзнинг соя қисмида анатомик аниқ чизиқларни кўриш мумкин. Бошнинг ҳар бир бўлагини тусда бир биридан фарқини, ёруғ соя ҳарактерини ўргана бориши керак. Юз бўлаклари, кўз олмаси, буруннинг олд, ён томонлари, яноққа ишлов бераётганда катта шаклни ҳисобга олган ҳолда, жуда майдалаштириб юбормасдан ишлаш зарур.

Бош шаклига ишлов бериш соя қисмидан бошланади. Соя яхлит, катта шаклни ажратиб, тус муносабатида камертон вазифасини ҳам ўтайди.

Буюмларни тасвирлашда ёруғ соялар катта аҳамиятга эга. Натурага ёруғлик қанчалик тик тушса уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча, четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик урилиб (синиб) бир буюмдан иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу тасвирланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади.

Ёруғлик деб – предмет юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёритгичларнинг буюм юзасида ташкил этган нурга айтилади.

Ёруғ-сояни тўғри бериш- рангтасвирнинг муҳим шарти. Ёруғ-соя материал ҳажмини, фактурасини, предмет ва уни ўраб турган муҳитнинг колоритини ифодалайди.

Ёруғ-сояни тасвирлашнинг кетма-кетлиги оқ қоғоз ва ёритилиб кўринадиган ва ўз рангини намоён қиладиган шаффоф бўёқлар билан ишловчи акварель техникасининг хусусиятларини белгилайди. Шу сабабга кўра акварелчига оқ қоғознинг ёрқинлигини пасайтириш керак бўлган жойларда тўқ соялар устида кўпроқ ишлашга, ёруғ, ёритилган жойларда

ёркин нурларни озгина ишлаб, ёруғ-соялар устида камроқ ишлашга тўғри келади.

Қопловчи бўёқлар техникасида, масалан гуашлар, асос ранги муҳим аҳамиятга эга бўлмаганда, ёритилган жойлар устида кўпроқ, тўқ жойларда камроқ ишлаш керак бўлади. Қопловчи бўёқларни нурларга кўпроқ, сояларга камроқ берилади.¹⁴

Нур ва ярим соя биргаликда предметнинг умумий ёруғ қисмларини ёки ёруғлик зонасини ташкил қилади. Хусусий соялар, тушувчи соялар ва рефлекслар предметнинг соя қисмини ёки соя зонасини ташкил қилади. Ёруғлик зонасининг ҳар қандай нуқтаси соя зонасининг ҳар қандай нуқтасидан ёруғроқ бўлиши керак.

Ёруғ-соя фазалари тасвирланаётган предмет иккита ёруғлик манбаи билан ёритилганда оддий ёритиш шароитларида яхши сезиларли: предметнинг ёритилган қисмига тўғри нурларни туширувчи битта катта ва предметнинг соя қисмига акс этувчи нурларни туширувчи ҳамда рефлекслар ҳосил қилувчи бошқа, кичик ёруғлик манбаи.

Бундай ёритиш кўпинча ўқув рассомчилиги учун ёруғлик манбаларини минимум даражага тушириш мақсадида, ёруғлик вазиятини соддалаштириш ва чизаётганлар эътиборини шаклнинг ўзини, унинг тузилишини, ҳаракати ва нисбатларини ўрганишга қаратиш мақсадида ўрнатилади.

Фақат унутмаслик керакки, предметнинг ёруғ-соя фазалари, уларнинг чегаралари ва тарқалиши берилган ёруғлик муҳитининг ёритилиш шароити ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Соя бўлган жой ёруғ бўлиб қолиши мумкин; ёруғ бўлган жой соя бўлиб қолиши мумкин. Ёруғ-соянинг ҳар бир фазаси ўзига қарама-қарши, атроф муҳитдаги

¹⁴ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 50p.

ёритилган предмет, кейин сояда бўлиб қолиши мумкинлиги каби ўзгариши мумкин.¹⁵

Умумий ранг ечимига эътибор бериш. Рангли тасвирни саводли ифода этиш учун натурани қўйилмада нафақат тусли, балки буюмларнинг рангли фарқларини кузатиш вақтида қандай қабул қилинса, тасвирлаш жараёнида ҳам шунга эришиш лозим.

Рангли муносабатларнинг ҳолати буюмлар билан атроф-муҳитнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттиради, шунинг учун тасвирланаётган буюмларнинг тусли ва рангли муносабатларининг бирлиги, маромига етган, колоритли ечимга келишга имкон яратади.

Иш жараёнида шуни доимо ёдда тутиш кераки, ҳар бир ранг ёруғликда, сояда, ярим сояда фақат ўзи эмас, балки бошқа рангларга боғлиқлиги билан муҳимдир. Муҳими, унинг умумий ранглар қаторида иштирок этиб, бошқалардан ажралиб туришдир. Рассомни фақат ранглар фарқи ва муносабатлар қизиқтириши зарур. Шунинг учун рангтасвир жараёни – бу натурали қўйилмадаги буюмларнинг доимий солиштирув, таққослаш, яъни муносабатлар билан ишлаш жараёни ҳисобланади.

Ранглар муносабати усулидаги рангтасвир тжараёнини муסיқа охангларига қиёслаш мумкин, яъни алоҳида товушлар ўз ўзидан ҳеч нарсани акс эттирмайди, аммо бошқа оханглар билан мужассамлашганда зарур таассуротни беради. Товушларнинг бир-бирига боғлиқлиги бузилса, оханг мавжудлиги йўқолади. Худди шу ҳолатни рангтасвирда ҳам таққослаш мумкин. Тусли ва рангли муносабатларни кучли ёки кучсиз ёруғлик ва тўйинган ранглар йиғиндисидида қуриш мумкин, лекин шу билан бирга жисмларни туси ва ранг кучининг натурадан образли кўринишда мос равишда бир бирига боғлиқлигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Мойбўёқ орқали оқ қоғоз билан акс эттирилган ёруғлик, мойли рангтасвир бўёғи орқали- холст ёки досканинг ёруғ грунтдан, шунингдек

¹⁵ Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 13p.

оқлайдиган хомаки бўёқ қатламидан акс этган ёруғлик кўринади. Рангтасвир техникаси тарихидан маълумки, рангтасвир усталари кўп ҳолларда ўз картиналари учун ёруғ асос танлаганлар. Улар олтинда, эмалда, фил суягидан ишланган пластинкаларда ва ёруғликни яхши ўтказадиган бошқа материалларда ишлаганлар. Қадимги рус усталари рангтасвир доимо “нокечки ёруғликда” кўриниши керак деб айтганлар. Рассом Рубенснинг холстларда ва доскаларда ишланган, ёнма-ён осилган картиналарини таққослаганда шуни сезиш мумкинки, доскада ишланганлари холстдагилардан ёрқинроқ. Мойли рангтасвирда ўз афзалликларига эга холстнинг донатор фактураси ёруғликни қайтаришнинг кам имкониятига эга. Доска левкасига суртилган бўёвчи қатлам сезиларли ёрқин бўлиб кўринади. Бўёқлар суртиладиган конструктив асосга қўйиладиган асосий рангтасвир-техник талаб деярли доим унинг ёруғликни қайтариш имконияти, бўёқларни ёритиш ва уларнинг ёрқинлигини кучайтиришдир.

Тўқ асосга қўйилган бўёқлар ёритмайди ва хиралашади. Мойли лессировка бўёқлари қора фонда зўрға сезилади ва ўзининг оддий ранг қуюқлигини йўқотади. Фақат катта сиртки акс тасвирга эга бўёқлар ўз кучини сақлайди, яъни оч рангли, ношаффоф бўёқлар. Айниқса қора фондаги олтин ва эмаль яхши сезиларли. Қора лак устида ишловчи палех усталарининг рангтасвири хиралашган шаффоф бўёқлар ва тушаётган ёруғликни ёрқин акс эттирувчи олтиннинг юпқа қатламига эга қалин бўёқларнинг ёрқин нурларига эга чуқур қора фон бирлашувида қурилади. Улар қора фон билан бир қаторда ўз композицияларига, айниқса композицияларнинг марказий жойларида оч рангдаги тайёрлов қатламига эга текисликларни киритадилар. Қора лак ва оқ левкаснинг контраст бирикувлари рангтасвир техникаси учун анчагина кенг имкониятлар беради.

Бўёвчи моддалар турли шаффофликка эга. Бирлари яхши ёритилади ва текис шаффоф қатлам билан суртилади, бошқалари, хатто юпқа суртилганда ҳам бўёвчи модда зарраларининг сезиларли фактурасига эга кам шаффоф қатлам ҳосил қилади. Бўёвчи модданинг нисбий шаффофлиги ва юпқалиги жиҳатидан бўёқлар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга қопрловчи ёки корпусли- бўрттириб берилган деб номланувчи кам шаффоф бўёқлар киради, иккинчи гуруҳга- яхши ёритувчи, лессировкаловчи бўёқлар киради. Бўрттириб берилган бўёқлар ёруғликни кўпроқ акс эттиради, остига суртилган бўёқни яхши ёпади ва донали фактурага эга бўлади. Бўрттириб берилган бўёқларга белила, охра, турли сортларлаги крон, яшил хромлар, яшил кобальт, мовий кобальт, ультрамарин киради; қизил бўёқлардан- кўрғошинли сурик, кўрғошинли тўқ сариқ ва бошқалар. Лессировкаловчи бўёқлар бўёвчи қатламнинг катта чуқурлигига тўғри ва тескари йўналишларда ёруғликни яхши ўтказиши, юпқа фактурага эга ва шуълада ёрқин, тўйинган ранглари беради. Унинг остидаги бўёқлар яхши кўринади. Лессировкаловчи бўёқларга сариқ лак, гуммигут, зумрадсимон яшил, лазурь, краплак ва бошқалар киради.

Корпусли-бўрттириб берилган бўёқлар ёруғликни кучли акс эттириши ва бўёвчи қатламнинг текис фактурасини яратиши қобилияти сабабли— мойбўёқ рангтасвирида донадор фактурани, мойбўёқ рангтасвирида пасто юпқа қатлами фактурасини яратади- предмет фактура характери кўпроқ сезилган жойларда ёритилган жойлар, нурлар рельефли туртиб чиққан деталларни тасвирлаш учун қўлланилади¹⁶

¹⁶ Virgil Elliott —Traditional oil painting / USA-2007-37 p/